

Оила-Турмуш Доирасидаги Содир Этиладиган Ҳуқуқбузарликларнинг Профилактикаси

Адилов Баҳромбек Қахрамонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти
факультети бошлиғи

Аннотация: Мақолада оила-турмуш доирасидаги содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси оид масалалари ёритилган.

Таянч тушунчалар: оила, омиллар, ҳуқуқбузарлик, профилактика.

Оила ҳар бир жамиятнинг бошланғич бўғини ҳисобланади. Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам, фаровон бўлади. Аксинча, оилаларда парокандалик, бузғунчилик бўлса, ўша жамият бузилади, тинчи йўқолади, у оқибатда чуқур таназзулга юз тутади. Бахтли оилалар туфайли бахтли жамият вужудга келади. Мамлакатимизда оиланинг жамиятда тутган ўрнини янада ошириш, уни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ислоҳотларни тизимли босқичма-босқич амалга ошириш бўйича стратегияси белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади¹” эканлиги тўғрисидага қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Бизга маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оилада шаклланади. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Агар оилада қанчалик иноқлик, бир-бирини тушуниш каби хислатлар мавжуд бўлса, у оиладан маънавий баркамол инсонлар етишиб чиқади. Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, қайси жамиятда, миллатда, оилада, ота-онага ҳурмат кўрсатувчи урф-одатлар мавжуд бўлса, шу ерда жиноятчилик даражаси пастдир². Барқарор тарзда раванқ топаётган янги Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шarti сифатида оила институтини ҳар томонлама ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар бир оилани, ундаги соғлом маънавий муҳитни асраб-авайлаш, эр-хотин, ота-оналар билан фарзандлар, қайнона-келин, қўни-қўшнилар ўртасидаги меҳр-оқибат ҳиссини шакллантириш бўйича бир қанча дастурий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бироқ шунга қарамай оила-турмуш доирасидаги содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ортиши кузатилмоқда. Бугунги кунда жойларда ваколатли субъектлар билан ҳамкорликда нотинч оилалар билан ишлаш, оилаларда мавжуд низоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш борасидаги ишлар тизимли ва манзилли равишда олиб борилмаганлиги оқибатида деярли ҳар иккинчи қотиллик ва ҳар

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // URL: [http://www.lex.uz.](http://www.lex.uz;);

² Криминология: / Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. –Т., 1996. –Б. 196-97

бешинчи тан жароҳати етказиш жиноятлари оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган. Хусусан, **2022 йилнинг 12 ойи** давомида республикада содир этилган 365 та қасддан одам ўлдириш жиноятлардан 151 таси шунингдек, содир этилган 1 223 та қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш жиноятларнинг 174 таси оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган³.

Хусусан, оила мустаҳкамлиги биринчи навбатда оиладаги муҳитга боғлиқ. Оила муҳити асосини биринчи навбатда оиланинг ядроси бўлмиш эр-хотин муносабатлари ташкил этади.

Шарқ мутафаккирларининг бизларга қолдирган бой илмий маданий меросларида ўзбек халқининг оила-турмуш қоидалари, ундаги катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оила аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнидаги маданият, айниқса, эр-хотин муносабатлари тўғрисидаги инсон тарбиясида ахлоқий аҳамиятга эга бўлган фикр мулоҳазалар, таълимотлар мавжуд. Мазкур муаммо буюк алломаларимиз Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилган⁴. Ушбу масалага Бурҳониддин Марғинович ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, «жамиятнинг негизи ҳам, инсон руҳий-маънавий оламининг бешиги ҳам оиладир»⁵, деб таъкидлаган эди.

Зеро, азалдан инсонни ҳурмат қилиш ва улуғлаш халқимиз табиатига хос миллий қадриятдир. Қадимги тарихий манба ҳисобланмиш – зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам инсоннинг шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси, айниқса инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғояси ўз аксини топган. Ушбу нодир манба инсоният ва илм-фан тараққиёти ҳамда инсоний қадриятларнинг ривожланишига ўзининг бетакрор ҳиссасини қўшган. «Авесто»да жиноят ва жазо, оила-никоҳ муносабатларига, бу муносабатлар жараёнида инсоннинг ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилган. Айниқса, жиноят содир этиш оғир гуноҳ эканлиги, ундан сақланиш ғояси муқаддас ислом динида ўз ифодасини топган. Хусусан, буларда инсон ҳуқуқларига дахлдор кўплаб қоидалар мавжуд⁶. Чунки, бу манбаларда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси, шаъни, обрўси, кадр- қиммати бирламчи қадрият сифатида тан олинган.

Оила, қариндош уруғ, эр-хотин ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларда раҳмшавқатли бўлиш масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, “Авесто”да халқимиз тарихининг энг қадимий даврлардаги оила ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти, ахлоқий-маънавий қоидалари, урф-одатлари, диний эътиқоди, шунингдек, оилада эркак аёл муносабатлари баён этилган. Зардуштийликда, оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўрин тутганлиги бежиз эмас албатта. Ҳар қандай салбий ҳатти-ҳаракатлар оиладаги муҳит ва тарбияга боғлиқ. Бунда оила, қариндош уруғчилик, эр-хотин ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларда раҳм шавқатли бўлиш, жабр-зулм, зўравонлик каби салбий иллатлардан узоқ бўлишга даъват этилган.

Бу борада немис классик фалсафасининг буюк намоёндаларидан бири Георг Вильгелем Фридрих Гегель фикрига кўра, оила уч жиҳатга эга. Булар:

- 1) оила ўзининг бевосита тушунчаси бўлган, никоҳ орқали;
- 2) оиланинг ташқи кўринишдаги борлиғи – унинг кўчмас ва бошқа мулклари ҳамда уларни асраш борасидаги ишлар орқали;
- 3) фарзандларни тарбия қилиш ҳамда оиланинг тарқаб кетишида номаён бўлади⁷.

³ ИИВнинг маълумотномаси:

⁴ Файзиёва М., Жабборов А. Оил авий муносабатлар психологияси. –Т., “Янги аср авлоди”, –Т., 2007. –Б. 7

⁵ Чориев А. Инсон фалсафаси. –Т., “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти”, –Т., 2007. –Б. 184.

⁶ Инсон ҳуқуқлари: Дарслик / Хусанов О. ва бошқ. – Т. “Шарқ”, 1997. –Б. 16.

⁷ Иқтибос куйдаги асардан олинди: Ф.Мухитдинов Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси. Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Р.Ж.Рўзиев. Ўзбекистон Республикаси Ф.А. И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ

Файласуфнинг фикрига кўшилган ҳолда, оила бевосита никоҳга асосланиши, ушбу никоҳ тузилганидан сўнг, инсоннинг мавжудлиги ва наслнинг давомийлигини ифода этади. Шундай экан, оиланинг тинч, фарзандларнинг бахтли бўлишида эр-хотиннинг ҳар иккиси ҳам оиладаги ўз бурчларини астойдил адо этишга интилишлари муҳимдир. Эр ўз ўрнини йўқотган, хотин эса, эрнинг мавқеига даъвогарлик қилган оилаларда нафақат нотинчлик бўлади, балки эл-юрт, маҳалла-қўй орасида ҳам бундай оиланинг ҳурмати бўлмайди.

Маълумки, оила-турмуш соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ўзига хос равишда мураккабдир. Оила турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар мураккаблиги, содир этилиш усуллари, вақти, турли туманлиги, кенг ёйилганлиги, шахсга қаратилганлиги билан бошқа ҳуқуқбузарликлардан тубдан фарқ қилади. Оила-турмуш соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар оилада оила аъзоларининг ўртасида содир этиладиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларда намоён бўлади.

Бундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ҳуқуқбузарликлар шаклида кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнидаги тажовузкорликда намоён бўлади. Оила-турмуш муносабатлари ҳар бир оилада ўзига хос равишда кечади ҳамда ҳар бир оилада оила аъзоларининг умумий, шахсий дунёқарашлари доимо бирдек шаклланмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам баъзида у ёки бу муаммони ҳал этишда ўзига хос қарама-қаршилиқлар келиб чиқиши табиий.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг томири оилада шаклланади. Оила шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хусусиятларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, ижтимоий жиҳатдан нотинч оилаларда низолар сабаб бўлади.

Хусусан, ижтимоий жиҳатдан нотинч оилаларда низолар, хусусан эр-хотин ўртасидаги низолар, зиддиятлар содир этилади. Жумладан, эр-хотин ўртасидаги низо, келишмовчилик, жанжалларнинг вужудга келишини тақозо этувчи криминоген омиллар ҳамда унинг оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит билан чамбарчас боғлиқ эканлиги атрофлича тадқиқ қилинган. Шуни таъкидлаш жоизки, оила-турмуш муносабатлари ҳар доим ҳам бир текисда силлиқ, рисоладагидай кечавермайди. Уй-рўзғор юмушларини бажариш, эр-хотин ва оила аъзоларининг бурчи, ота-онанинг фарзандлари олдидаги мажбурияти ҳамда фарзандларнинг катталар олдидаги бурчларини адо этиш жараёнида шахсий манфаатлар тўқнашади. Айрим ҳолларда уларнинг фикр ва қарашларидаги зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар, келишмовчилик ва англашилмовчиликлар шахслараро низолар тарзида намоён бўлиб, оила-турмуш доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаради.

Психолог Чарлз Ликсон низолар ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазасини билдириб, низонинг инсон руҳиятига салбий таъсирига “низо бу ҳаёт нормаси”, деб ёзади. У кўп йиллик адвокатлик ва амалиётчи психологик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, оилавий низолар хусусида ўз фикрларини баён этади. Унинг фикрича, оилавий низо маълум маънода шахс тараққиётини бошлаб берувчи илк нуктадир. Шу боис, бундай низолар позитив нуктаи назардан баҳоланиши мумкинлиги, ушбу низо юз бераётган жараёнда эр-хотиннинг унга нисбатан муносабати ҳамиша салбий бўлишини таъкидлайди⁸

Агар оилада ғайриинсоний носоғлом муҳит мавжуд бўлса, у ерда салбий хусусиятларнинг шаклланиш еҳтимоли анча юқори бўлади. Оиладаги маънавий-педагогик заифликнинг яна бир кўриниши ундаги носоғлом маънавий-руҳий муҳит таъсирида ғайритабиий муносабатлар, низолар, жанжаллар, келишмовчиликлар, қўполликнинг мавжудлиги,

институти нашриёти 2007. 69-Б.

⁸Ликсон Ч. Конфликт. Семь шагов к миру. – Санкт-Петербург, 1997. – С. 17;

бирликнинг, бир-бирига ғамхўрликнинг йўқлиги бир шахсда ғайриижтимоий салбий хусусиятларнинг шаклланишини таъминловчи омил саналади.

Шахсда ғайриинсоний хусусиятларнинг шаклланишига оиладаги муҳит ўз таъсирини кўрсатади. Бу шундан далолат берадики, носоғлом оилада яшовчи шахслар деярли бошқаларга қараганда ўзини тутиши ва хулқ-атвори билан ажралиб туради. Бу ўз навбатида, оила-турмуш доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар содир этилишини таъминловчи криминоген вазиятларни келтириб чиқаради. Криминологик адабиётларда кўрсатилишича, шахсга қарши жиноятларнинг 60 фоиздан ортиғи маиший мотив асосида оиладаги ҳуқуқбузарликлар натижасида содир этилган⁹.

Шу ўринда ҳар қанча аччиқ бўлмасин, очик айтиш керак, таҳлиллар кўрсатишича, кейинги пайтларда халқимизга хос бўлмаган айрим иллатлар — оилавий ажрашишлар, турли низоли вазиятлар, ишсизлик, оиладаги носоғлом муҳит, маънавий тушкунлик, эҳтиёжмандлик, жиноятга қўл уриш ҳолатлари каби омиллар нотинч, ноқобил, кемтик оилалар ва қатор ижтимоий-маънавий муаммоларни пайдо қилмоқда. Айниқса, ажрашишлар сонининг камаймаётгани кишида жиддий ташвиш уйғотади. Бугунги кунда оилалар барбод бўлишига қуйидаги омиллар асосий сабаб бўлмоқда:

Психологик омил — оиладаги оғир психологик муҳит, ўзаро тушунишнинг йўқлиги, оиладаги доимий низолар, ота-оналарнинг ёш эр-хотин ҳаётига аралаштирилиши, ёш эр-хотинларни бегоналаштириб қўйиш, бир-бирига бепарқлик;

Ижтимоий омил — ичкиликбозлик, фарзандсизлик, эр ёки хотиннинг саломатлиги яхши эмаслиги;

Маънавий-ахлоқий омил — эр-хотиндан бирининг узоқ вақт давомидаги никоҳдан ташқари алоқалари;

Иқтисодий омил — тураржой шароитларининг қониқарли эмаслиги, моддий етишмовчилик, ишсизлик, эрнинг оилани таъминламаслиги, меҳнат мигранти сифатида чет элга кетган эр-хотиндан бирининг оиласи билан алоқаси узилгани, қарзларни узолмаслик.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики оила-турмуш муносабатлари ўзининг маълум бир доирасига эга, бу доира аввало никоҳ, қон-қариндошлик ёки оилавий ришталар ёки маълум бир сабабларга кўра бир-бирлари билан боғланган бир гуруҳ шахсларнинг шахсий муносабатларга киришиши.

Маълумки, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги муаммолар ўзининг кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Бу борадаги муаммоларни ўрганиш айниқса бугунги кунда ўта долзарб масала ҳисобланади¹⁰.

Хулоса ўрнида ҳар бир инсон учун энг катта бахт оилавий хотиржамлик ва фаровонликдир. Оиласидан, фарзандларидан кўнгли тўқ инсоннинг ишида унум ва барака бўлади. Катта орзу ва ниятлар билан оила кураётган йигит-қизлар ўзлари кураётган оила-жамиятининг бир бўлаги эканлигини унутмасликлари керак. Зеро, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан мамлакат барқарордир.

⁹Криминология: Учебник. – Алматы, 2006. –С. 348.

¹⁰ Каримова В. Оила ҳимояси давлат сиёсатининг устувор йўналиши // HУQUQ VA BURCH. – №5. – Т., 2007. – Б. 31.